

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 24 декабрь, № 271 (9166) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

**23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари суҳбат аввалида АҚШ Президентини яқинлашиб келаётган янги йил байрамлари билан табриклаб, дўст Америка халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилади.

Дональд Трамп, ўз навбатида, Ўзбекистон етакчиси ва халқига ўзининг ҳамда АҚШ халқининг самимий саломи ҳамда табрикларини йўллаб, янги йилда бахт-саодат, муваффақиятлар ва янги зафарлар тилади.

Президентлар олий даражада эришилган келишувлар ижросининг боришини, шунингдек, Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш истиқболларини батафсил кўриб чиқдилар.

Давлатимиз раҳбари Президент Дональд Трампнинг жорий йилда ички ва ташқи сиёсатда эришган муваффақиятларига юксак баҳо бериб, унинг ўткир халқаро инқирозлар ва можароларни ҳал этиш борасидаги самарали саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлади.

Икки томонлама сиёсий мулоқот ва алмашинувлар, айниқса, етакчилар даражасида фаоллашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб бергани ва уни аниқ мазмун билан бойитгани мамнуният билан қайд этилди.

Фуқаро авиацияси, автосаноат, тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, энергетика ва кимё, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда бошқа соҳаларда ўнлаб миллиард долларлик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Амалдаги лойиҳа ва дастурларни самарали илгари суриш ҳамда янгиларини ишлаб чиқиш мақсадида Америка — Ўзбекистон ишбилармонлар ва инвестициялар кенгаши ташкил этилди. Қўшма Инвестиция фондини таъсис этиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янги механизми ишга туширилди. Ўзбекистоннинг учта вилояти делегациялари Америка штатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ушбу мамлакатда бўлди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу маънода, кўп томонлама ҳамкорлик, жумладан, “C5+1” форматининг аҳамияти таъкидланди.

Суҳбат якунида томонлар олий даражадаги фаол мулоқотларни давом эттириш ниятини тасдиқладилар ҳамда амалий ҳамкорлик бўйича қўшма ташаббус ва дастурларни илгари суришга келишиб олдилар.

Ўзбекистон Президенти Америка етакчисини ўзи учун қулай муддатда мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

## ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

**Президент Шавкат Мирзиёев тўқимачилик саноатида 2025 йил якунлари ҳамда келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан тақдимот билан танишди.**

Жорий йилда тармоқда эришилган натижалар, ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиш динамикаси, шунингдек, 2026 йилга мўлжалланган мақсадли режалар атрофлича кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, 2025 йилда тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 134 триллион сўмни ташкил этган. Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш 2,1 миллиард долларга етган. Экспорт ҳажми эса 2,5 миллиард долларни ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан ўсиш таъминланган. Тармоқда банд аҳоли сони 623 минг нафарга етгани, келгуси йилда ушбу кўрсаткични 650 минг нафаргача ошириш имконияти мавжудлиги таъкидланди.

2026 йилда пахта хомашёсини қайта ишлашни янада чуқурлаштириш ҳамда газлама, трикотаж ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш кўзда тутилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 147 триллион сўмга, экспортни эса 3,3 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Тармоққа 2,2 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиш режа қилинган. Бунинг эвазига 207 минг тонналик синтетик, аралаш ип, 397 миллион квадрат метрлик газлама, 224 миллион дона тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда 108 миллион квадрат метр мато бўяш бўйича қўшимча қувватлар барпо этилади.

Шу билан бирга, тармоқни барқарор ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган айрим омиллар ҳам қайд этилди. Хусусан, пахта толасига бўлган талабнинг бир қисми импорт ҳисобига қопланаётгани, молиявий ресурслар қийматининг юқорилиги, ташқи бозорларда логистика харажатлари ортиши ва айрим йўналишларда малакали мутахассислар етишмаслиги соҳа олдида турган долзарб масалалар сифатида кўрсатиб ўтилди.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш мақсадида 2026 йил учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, корхоналарга айланма маблағ учун 200 миллион доллар миқдорида имтиёзли кредит ажратиш, 138 та корхонани молиявий соғломлаштириш, 100 та янги корхонани экспорт фаолиятига жалб қилиш режалаштирилмоқда.

Халқаро стандарт ва сертификатларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади. “Better Work”, “BCI”, “FWF”, “Organic EU” каби дастурлар 60 та корхонада татбиқ этилади, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари 15 та корхонада жорий қилинади. Шунингдек, тайёр маҳсулотлар сифати бўйича 24 турдаги таҳлилларни ўтказувчи замонавий тўқимачилик лабораторияси ташкил этилади.

Тармоқда рақамлаштиришни жадаллаштириш, “ERP” тизимлари ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. Бу жараёнга 40 та корхона жалб этилади.

Хорижий ҳамкорликни кенгайтириш доирасида халқаро сорсинг компаниялари ва йирик брендлар билан ҳамкорликни кучайтириш, маркетинг тадқиқотлари ва халқаро кўргазмаларда иштирок этиш, хорижий корхоналар релокациясини рағбатлантириш бўйича аниқ режалар белгилаб олинган.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган ёндашувларни маъқуллаб, тармоқда тайёр маҳсулот улушини изчил ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, инвестиция ва экспорт салоҳиятини тўлиқ ишга солиш бўйича масъуллар олдига аниқ вазифаларни қўйди. Барча чора-тадбирлар тармоқни барқарор, рақобатбардош ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тизимга айлантиришга хизмат қилиши зарурлиги таъкидланди.

**ЎзА.**



## Ўзбекистон — Япония: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ПОЙДЕВОРИНИ МУСТАҲКАМЛАГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

*Япония дунёнинг иқтисодиёти етакчи давлатларидан бири бўлиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Мамлакат юқори технологияли ишлаб чиқариш, машинасозлик ва билим талаб қиладиган маҳсулотлар экспортига кўра илғорлардан бири бўлиб қолмоқда.*

**Нуқтаи назар**

Жаҳон ҳамжамиятининг масъулиятли аъзоси бўлган Япония Жаҳон савдо ташкилоти ва АРЕСда фаол иштирок этади, савдо битимларини ишлаб чиқиш ва ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш борасида алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 18 — 20 декабрь кунлари Японияга амалга оширган расмий ташрифи ана шу иқтисодий ва молиявий қудратга эга давлат билан икки томонлама муносабатлар тарихида янги, сифат жиҳатдан юксалиш босқичини бошлаб берди.

Ташрифнинг асосий хусусияти иқтисодий шерикликни аниқ амалий мазмун билан бойитишга қаратилгани бўлди. Кўп йиллар давомида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатлар, асосан, гуманитар ҳамкорлик ва техник кўмак лойиҳаларига таянган бўлса, бугунги кунда мамлакатимиз етакчисининг прагматик ва изчил сиёсати туфайли икки томонлама кун тартиби тубдан қайта шакллантирилди. Эндиликда у савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг барча муҳим йўналишларини қамраб олди. Бунга ёрқин далил сифатида умумий қиймати 12 млрд. доллардан ортиқ бўлган янги кооперация лойиҳалари портфелининг шакллантирилганини келтириш мумкин. Ушбу келишувлар таълим, соғлиқни сақлаш, экология ва сув ресурсларини бошқариш, транспорт ва шаҳарсозлик, туризм, қишлоқ хўжалиги, шунингдек, табиий офатлар хавфини бошқариш каби муҳим соҳаларни қамраб олади. Айниқса, “яшил” энергетика, энергияни сақлаш тизимларини ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича қўшма лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, етакчи япон корпорациялари билан узоқ муддатли ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди ва бу келгусидаги муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Масалан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) билан қўшма лойиҳалар портфели энергетика, нефть-кимё, транспорт, таълим ва қишлоқ хўжалиги каби соҳаларни қамраб олган. “Яшил” энергетика ва саноатда углерод чиқаришни камайтириш, ахборот технологиялари, ўта муҳим минераллар, машинасозлик соҳасидаги ҳамкорлик, соғлиқни сақлаш ва туризм инфратузилмаси модернизацияси ҳам устувор йўналишлардан. Бундан ташқари, Самарқанд вилоятида Япония модели ва стандартларига асосланган махсус иқтисодий зонани барпо этиш режалари эълон қилинди.

➡ 3

**Йиғилиш**

## ҲУДУДЛАР ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР

*Олий Мажлис Сенатида Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси ҳамкорлигида тузилган ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.*



Унда Ўзбекистон аҳолисининг 2050 йилгача бўлган прогнозини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва шу асосда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш масаласи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон аҳолиси сони бугунги кунда 38 миллионга яқинлашмоқда. 2030 йилга бориб 41 миллионга етиши, 2050 йилда эса 50 миллиондан ортиши кутилмоқда.

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси мутахассислари томонидан вазирлик ва идоралар томонидан ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни ишлаб чиқишда айнан қайси йўналишларга эътибор қаратиш зарурлиги бўйича тавсиялар берилди.

Йиғилишда сенаторлар, вазирлик ва идоралар мутахассислари томонидан республиканинг айрим ҳудудлари мисолида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларини белгилаб олиш ва шу асосда ўрганиш ўтказиш таклифи билдирилди. Айниқса, ижтимоий соҳаларда аҳолининг таълим, соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишлари учун қулай шароит яратиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишида эришилиши лозим бўлган кўрсаткичлар долзарблигига эътибор қаратилди.

**«Халқ сўзи».**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ ВА ХАЛҚАРО ТАМОЙИЛЛАР



*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда жисмоний тарбия ва спорт, шунингдек, суд-экспертлик фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, экологик тоза ҳудудларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга, фитосанитария соҳасидаги қонун ҳужжатларини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга нисбатан ҳуқуқларни эътироф этиш, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди. Шунингдек, парламент назорати фаолиятига доир масалалар муҳокама қилинди.*

### Иш берувчилар ходимларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратади

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модда-ма-модда кўриб чиқилди.

Ушбу лойиҳа билан аҳолини оммавий спортга жалб қилиш ва оммавий спорт тадбирларини тизимли ўтказиб бориш, спорт турларини эътироф этиш ва уларнинг реестрини юритиш тартибини такомиллаштириш, спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чоралари белгиланмоқда.

Лойиҳада спорт федерацияларининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни реестрга киритиш ва чиқариш мезонлари, спорт клублари ва спорт лигаларининг ҳуқуқий мақоми ва фаолият юритиш тартиби, тренер, спорт ҳакам ва спорт агентининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Миллий антидопинг агентлигининг ҳуқуқий мақоми ҳам белгиланиб, спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тартиби такомиллаштирилмоқда. Бундан ташқари, иш берувчилар ходимларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратиши кўзда тутиляпти. Спорт соҳасидаги низоларни эса судгача ҳал этиш тартибини жорий қилиш назарда тутилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

➡ 2

## ТАБИАТНИ АСРАШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ ЗИММАМИЗДА

*Сир эмас, пойтахтимиз ва бир қатор ҳудудларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш ҳолати юзага келди. Бу бизга тоза атроф-муҳитнинг қадр-қимматини яна бир карра намоён қилди ва ён-атрофимиздаги экологик муаммоларга беэътибор бўлмасликни, табиат ва яшилликни асраш зарурлигини қайта ёдимизга солди.*

**Мулоҳаза**

Шу боис бугунги кунда экологик масалалар нафақат мутахассислар, балки кенг жамоатчилик, ота-оналар, ёшлар ва тадбиркорлар учун ҳам долзарб мавзуга айланди. Ҳар биримиз олаётган ҳавонинг тозалиги саломатлигимиз, фарзандларимиз келажаги ва юртимизнинг барқарор ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ эканини англаб етдик.

➡ 2

**Президент ташрифидан сўнг**

## ЯНГИ НАМАНГАН

## ЗАМОНАВИЙ ВА КЎРКАМ ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА

*Президент Шавкат Мирзиёев шу йил сентябрь ойида Наманган вилоятига ташрифи чоғида Норин туманидаги Шўрариқ маҳалласида тўхтаб, аҳоли билан мулоқот қилгани қишлоқ аҳли учун кутилмаган қувончли воқеа бўлганди. Давлатимиз раҳбари маҳалла инфратузилмаси билан танишиб, уни тубдан янгилаш ҳамда номини “Янги Наманган” деб ўзгартириш таклифини билдирганди. Мана орадан уч ойдан кўпроқ вақт ўтди. Хўш, маҳалла ҳаётида нималар ўзгарди, одамларнинг кайфияти қандай, режадаги ишлар-чи?*

### Атамада зоҳирдир инсон муроди

Мустақилликкача бўлган даврдаги яқин ўтмишимизни ҳаммамиз яхши биламиз. Ўзбекистонни пахта хомашё базасига айлантириш сиёсати оқибатлари ҳам барчамизга маълум. Бу сиёсат қурбонларидан бири — Норин туманидаги ўша давр ғояларидан келиб чиқиб “Пахтақишлоқ” дея номланган ҳудудда ташкил этилган “Ўзбекистон” жамоа хўжалиги эди. Бу ерда азалдан сабзавот ва боғдорчиликдан, чорвачиликдан барака топиб келаётган маҳаллий аҳоли фақат пахта экишга мажбурланган эди. Кейинчалик қишлоқ маркази ўша давр мафкурасига мослаб “Шўро” деб аталди.

Давлатимиз мустақилликка эришгач собиқ иттифоқ давридаги сохта атамалар янгиларига алмаштирилди. Бироқ бунда доим ҳам маҳаллий аҳоли хоҳиш-истаклари, интилишлари инобатга олинмади. Шўро қишлоғи ҳам маҳалла гузаридан кесиб ўтувчи ариққа нисбат берилиб, “Шўрариқ” деб атаб қўя қолинди.

Йиллар давомида Шўрариқнинг шўри маҳалла аҳли тақдирига ҳам салбий таъсир этди. “Пешонамизга шўр битган экан-да”, деб афсусланишарди... Негаки, маҳалла аҳлининг яшаш шароитлари ҳаминқадар эди.

### Кортеж ўз йўналишини нега ўзгартирди?

2025 йил 16 сентябрь. Президентимизнинг Наманган вилоятига ташрифи тафсилотларини бутун халқимиз қизиқиш билан телевизор ва ижтимоий тармоқлар орқали кузатиб турарди. Кутилмаганда давлатимиз раҳбари ташриф режасидан четга чиқиб, қишлоқлардан бирида тўхтагани ва маҳаллий аҳоли билан мулоқот қилгани ҳақида хабарлар тарқалди. Бу Норин туманидаги Шўрариқ қишлоғи эди.

➡ 3



Семинар

# КУН ТАРТИБИДА – ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси билан ҳамкорликда Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт ва сайёҳлар ҳажмини оширишга бағишланган семинар ўтказди.*

Унда Сенат аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари раислари, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Туризм қўмитаси, Савдо-саноат палатаси вакиллари, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ўринбосарлари, тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар иштирок этди.

Семинарда ҳудудга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ўзлаштириш ва истиқболли лойиҳаларни манзилли амалга ошириш, маҳаллий маҳсулотлар экспортини диверсификациялаш ва янги бозорлар топиш, хорижий сайёҳларни жалб этишга қулай шароитлар яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳудудга берилаётган катта эътибор туфайли жорий йилда умумий қиймати 1,6 млрд. АҚШ долларига тенг 57 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилган. Жорий йил январь — ноябрь ойларида 425,8 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, экспорт ҳажми 372,7 млн. доллардан, хорижий сайёҳлар сони эса 400 мингдан ошгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига мос хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини ошириш, чет элларда савдо уйлари ва маҳсулотлар омборларини ташкил этиш, туризм инфратузилмасини яхшилаш, янги меҳмонхоналар қуриш, хорижий корхоналарни ҳамда иш ўринларини яратиш, тадбиркорларга кўмаклашиш бўйича ҳамкорликда ишларни йўлга қўйишга доир аниқ вазифалар белгилаб олинди ва тегишли тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**

# ТАБИАТНИ АСРАШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ ЗИММАМИЗДА

1

Очиғи, атмосфера ифлосланиши нафақат табиатга, балки кундалик турмушимизга, ишлаб чиқариш жараёнларига, ҳатто ижтимоий фаоллигимизга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам давлат даражасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар, янги талаб ва чекловлар, экологик назоратнинг кучайтирилиши — вақт талаби, ҳаётий зарурат.

Мамлакатимизда бу йўналишда ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий барқарор тизим шакллантирилиб, экологик хавфсиз муҳит яратиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш асосий вазифа сифатида белгиланди. Сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар экотизимни барқарор бошқариш, аҳоли учун соғлом муҳитни таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Жумладан, Президентимизнинг шу йил 18 ноябрдаги "Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 19 ноябрда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори экологик сиёсатни янги босқичга олиб чиқадиган стратегик аҳамиятга эга ҳужжатлардир.

Улар Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолиятини йўлга қўйишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб, қўмита Президентга тўғридан-тўғри ҳисобдор бўлган, экологик хавфсизлик ҳамда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли орган сифатида белгилаб қўйилди.

Ҳозирги кунда нафақат ҳукумат, балки аҳолининг ўзидан ҳам фаоллик ва масъулият талаб этилади. Чунки ҳар бир ташланган чиқинди, фильтрсиз ишлаётган корхона, мунтазам чанг кўтарилиб турган қурилиш майдони, минглаб автомобиллардан чиқаётган тутун муаммонинг асосий манбаига айланди, десак, айни ҳақиқат. Шундай экан, ҳар биримиз ўз бурчимизни яна бир бор англашимиз, экологик маданиятни яхшилаш, табиатга эҳтиёткор муносабатни кундалик одатга айлантиришимиз лозим. Бу ишни катта ташаббуслар билан эмас, балки кичик, аммо тизимли одимлар билан амалга ошириш зарур. Хусусан, яшил майдонларни кўпайтирсак, борларини асраб-авайлаб чиқиндилардан холи қилсак, шахсий автомобилда ортиқча ҳаракатланишдан воз кечиб имкон қадар экологик ёки жамоат транспортидан фойдаланишга ўтсак, она табиатни мусаффо тутиш борасида ҳар биримиз кичик бир қадам қўйган бўламиз. Буларнинг барчаси катта ўзгаришлар учун пойдевор вазифасини ўтайди. Зеро, улкан ўзгаришлар, қўлга киритиладиган салмоқли ютуқлар кичик-кичик қадамлардан бошланади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда турли йўл ва усуллар қўлланилади, лекин улар ичида энг муҳим восита — ҳуқуқий муҳофазадир. Барқарор ривожланиш ва табиатни асраш учун асосий пойдевор айнан ҳуқуқий механизм ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Конституциямизнинг ўрни беқиёс. У нафақат давлатнинг бош қонуни, балки фуқароларнинг соғлом ва хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқини кафолатловчи асосий ҳужжатдир. 2023 йилда умумхалқ референдуми билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда илк бор ҳар бир шахснинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳамда унинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборот олиш ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилди.

Экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган конституциявий норма ва имзоланаётган фавқулодда қарорлар ўз самарасини бериши учун фақатгина тегишли давлат идораларининг саъй-ҳаракатлари етарли бўлмайди. Яъни бунда ҳар бир фуқаронинг экологик масъулияти, шахсий интизоми ва атроф-муҳитга бўлган тўғри муносабати умумий мақсадга эришишда ҳал қилувчи омил вазифасини ўтайди. Зеро, табиатни асраш бир кунлик кампания эмас, балки узоқ муддатли экологик маданият ва фуқаролик бурчимиздир.

**Сайёра АБДИКАРИМОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ ВА ХАЛҚАРО ТАМОЙИЛЛАР



1

## Нодавлат суд экспертларининг ҳуқуқий мақоми

Депутатлар "Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилди.

Лойиҳа билан нодавлат суд экспертларининг ҳуқуқий мақоми белгиланмоқда. Илмий иш билан шуғулланувчи муассаса (ташкилот)ларнинг ўз фаолият йўналиши бўйича суд-экспертлик амалиётини бажаришига рухсат бериш назарда тутиляпти.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан берилган таклифлардан келиб чиқиб, суд экспертизасини ўтказишда касбий сирни сақлаш принципи билан тўлдирилди. Шунингдек, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Эксперт-малака комиссиясининг нодавлат суд экспертлари қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиши ёки аралашиши тақиқланиши назарда тутилган норма билан бойитилди. Бундан ташқари, суд экспертизасини тўхтатиб туриш асослари ва муддатларини қонун даражасида аниқ белгилаш мақсадида алоҳида "Суд экспертизаси ўтказишни тўхтатиб туриш асослари ва муддатлари" номли модда билан тўлдирилди.

Процессуал қонунчиликда адвокат сўровига асосан қўшимча ва қайта суд экспертизасини ўтказишга нисбатан чекловлар назарда тутилмагани сабабли қонун лойиҳасидан адвокатларга нисбатан мавжуд чекловлар чиқариб ташланди.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд экспертлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, экспертиза хулосаларининг ишончлилигини янада оширишга, пировардида одил судловни таъминлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Болалар ижтимоий ҳимояси — устувор масала

Мажлисда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Унда таълим ташкилотида болаларни тарбиялаш, уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятлар зиммасига юклатилган шахс томонидан тарбия ва таълим бериш жараёнида болага нисбатан зўравонлик ҳолатлари содир этилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Нотариуслар зиммасига болани фарзандликка бериш (олиш), болани васийликка ёки ҳомийликка бериш ҳақида аризадаги имзонинг ҳақиқийлиги шаҳодатланганлиги тўғрисидаги маълумотларни "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларига тақдим этиб бориш мажбурияти юклатиляпти.

Васий ёки ҳомий ўз яшаш жойини ўзгартирмоқчи, шу жумладан, бошқа мамлакатга кўчиб кетмоқчи бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг ёзма рухсати ва васийликка олинган 10 ёшга тўлган боланинг розилиги талаб этилиши белгиланмоқда. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола фойдасига ота-онадан ёки уларнинг биридан ундирилиши белгиланган алимент миқдорини камайтириш бўйича ишларда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари вакилининг иштироки белгиланяпти.

Шу билан бирга, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ота-она ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслардан боланинг соғлиғини тиклаш ва реабилитация қилиш учун сарфланган қўшимча харажатларни бола фойдасига ундириш ҳақида киритилган аризалар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилмоқда.

Депутатлар томонидан қонун лойиҳасидаги айрим нормаларни такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар берилган эди. Масъул қўмитада барча таклифлар чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг асосли, деб топилгани ҳужжат матнида акс эттирилди ва лойиҳа маромига етказилди.

Мажлисда қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар болаларнинг ижтимоий ҳимоясига хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Экологик хавфсизлик таъминланади

Навбатдаги ҳужжат экологик тоза ҳудудларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

У экологик тоза ҳудудларнинг мақомини ва режимини белгилашга ҳамда мазкур ҳудудларда пластик маҳсулотларнинг муомаласини тартибга солишга қаратилган.

Лойиҳада экологик тоза ҳудудлардаги фаолияти натижасида оқова сув ҳосил қилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш объектлари ҳамда автомобиль ювиш шохобчалари оқова сувларни тозалаш иншоотлари билан жиҳозланиши назарда тутилмоқда. Тегишли равишда тозаланган оқова сувларни оқизиш учун уларни чиқариб юбориш тармоқларига улаш ёки уларда оқова сувларни тўплаш учун муқобил иншоотлар қуриш, айланма сув таъминоти жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш шартлиги белгиланмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, курорт ва экотуризм салоҳиятини ошириш, биохилмахилликни муҳофаза этиш ҳамда мамлакатимизнинг халқаро экологик нуфузини юксалтиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Ўсимлик маҳсулотлари халқаро савдода тўсиқларсиз ҳаракатланади

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш бўйича битимига мувофиқлаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини янада жадаллаштиришга қаратилган.

Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳамда "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Уруғчилик тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги, "Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларга ЖСТнинг Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш бўйича битимида белгиланган қоида ва нормаларга мувофиқлаштириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Ҳуқуқларни эътироф этиш ишлари соддалаштирилади

Мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

У ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга нисбатан ҳуқуқларни эътироф этиш ишларини янада тезлаштиришга қаратилган.

Лойиҳада ваколатли ташкилотлар ва адлия органлари томонидан йиғма жилд ҳужжатларини кўриб чиқиш ҳамда эълон бериш муддатларини қисқартириш, якка тартибдаги уй-жойлар қуриш орқали ортиқча эгалланган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этишда бозор қиймати ўрнига қатъий белгиланган миқдорда бир марталик тўлов ундириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, лойиҳа билан бир марталик тўлов ўз вақтида амалга оширилган тақдирда, автоматик равишда 50 фоиз чегирма қўллаш, тўловлар белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда, туман (шаҳар) солиқ инспекцияси ва тегишли шахслар ўртасида тузиладиган шартнома асосида тўловларни 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилмоқда.

Бино ва иншоотлар қурилиши тақиқланган ҳудудда жойлашган тақдирда, уни тўлиқ рад қилмасдан ер участкасининг қурилиши тақиқланган ҳудудига тушган қисмини чегириб ташлаган ҳолда қолган қисмига нисбатан ҳуқуқларни эътироф этиш кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан бинолар ва иншоотлар, шу жумладан, якка тартибдаги уй-жойлар хусусийлаштирилгани ёки хусусийлаштирилмагани тўғрисидаги маълумотларни автоматлаштирилган ахборот тизимига киритишга (бириктиришга) маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳам масъул этиб белгиланмоқда.

Муҳокама давомида ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Нуриддин Султонов қонун лойиҳасининг аҳамияти ва заруратига алоҳида тўхталиб, уни такомиллаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини, шунингдек, лойиҳада назарда тутилаётган айрим нормалар юзасидан аниқлаштирувчи саволлар берди.

Қонун ташаббускорлари ушбу масала юзасидан атрофлича тушунтириш бериб ўтди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Миллий маърузани тақдим этиш муддати белгиланмоқда

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Маълумки, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза тайёрлайди ҳамда уни кўриб чиқиш учун Олий Мажлис палаталарига киритади.

Мазкур қонун лойиҳаси билан миллий маърузани Олий Мажлис палаталарига тақдим этишнинг аниқ муддатини белгилаш таклиф қилинмоқда.

Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги, "Парламент назорати тўғрисида"ги ҳамда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунларга Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан тайёрланадиган Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани Олий Мажлис палаталарига навбатдаги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан тақдим этиш лозимлигини назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасидаги долзарб масалаларнинг Олий Мажлис палаталари томонидан ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашга ҳамда коррупцияга қарши курашувчи органларнинг бу борадаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

## Коррупция омилларини бартараф этиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Депутатлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қ. Шариповнинг "Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларининг ижроси ҳамда соҳада коррупция омилларини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахборотини эшитди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муҳитни шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Тизимда "Коррупциясиз соҳа" лойиҳаси асосида комплаенс назорат тизими жорий қилиниб, шаффофликни таъминлаш, инсон омилини камайтириш мақсадида "HEMIS", "diplom.edu.uz", "vacancy.edu.uz" каби ахборот тизимлари ишга туширилган. Олий таълим муассасаларида "Registrator ofis"лар ташкил этилиб, бу орқали 30 дан ортиқ давлат хизматлари "Ягона дарча" тамойили асосида электрон шаклда кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Вазирнинг айтишича, коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш борасида 2024-2025 йилларда 4,5 минг нафар ўқитувчи-ходим, 146 мингдан ортиқ талабаларнинг "Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси" электрон платформасида махсус онлайн курсларда ўқитилиши таъминланган.

Муҳокамада эришилган натижалар билан бир қаторда соҳада ҳали ечилиши лозим бўлган айрим масалалар ва муайян камчиликлар ҳамон сақланиб қолинаётгани қайд этилди. Жумладан, соҳани тартибга солувчи амалдаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳанузгача коррупцияга шароит яратувчи нормалар мавжуд. Талабаларнинг жорий, оралиқ ва якуний баҳоларини электрон ахборот тизимларига киритишда ҳамон инсон омили сақланиб қолмоқда.

Бундан ташқари, давлат харидларига оид қонунчилик талаблари бузилиб, танловлар бўйича эълонлар берилмасдан, ишлар-хизматларни харид қилишнинг рақобатга асосланган усулларини четлаб ўтиб шартномаларни расмийлаштириш ҳолатлари учрамоқда.

Депутатлар олий таълим тизимида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муҳитни шакллантириш энг устувор вазифа эканини таъкидлаб, олий таълим жараёнларини бошқаришга "HEMIS" платформасини кенг кўламда ва самарали жорий этиш зарурлигини таъкидлади. Шу билан бирга, тизимда олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш, соҳада давлат харидларини амалга оширишда қонун талабларига риоя этиш, профессор-ўқитувчиларни лавозимларга ишга қабул қилишда инсон омилини камайтириш ҳамда танловларнинг шаффоф ва очиқ тизимини йўлга қўйиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Мажлисда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг ахбороти маълумот учун қабул қилинди ва кун тартибидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

## Вазир ахбороти эшитилди

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б. Зоҳидовнинг "Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида 2025 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Ўтган бир йил ичида давлатимиз раҳбари томонидан камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида "Камбағал оилалар реестри" ишга туширилди. Оилаларни моддий-мулкий ҳолатидан келиб чиқиб реестрга киритиш йўлга қўйилди.

Бугунги кунга қадар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва "маҳалла еттилиги" ҳамкорлигида 712 мингта оила "Камбағал оилалар реестри"га киритилган ва бу оилаларни камбағалликдан чиқаришга қаратилган "индивидуал режалар" ишлаб чиқилди. Унинг доирасида 463 мингта камбағал оиланинг 2 млн. аъзосига даромадини оширишга қаратилган 791 мингта хизмат кўрсатилмоқда.

Вазирнинг қайд этишича, жорий йил бошидан ишсизлик 4,9 фоизга тушган. Айниқса, Бухоро, Когон, Навоий, Зарафшон, Ғозғон, Самарқанд, Ширин шаҳарларида ишсизлик 4 фоиздан пасайиб, илк бор "табиий ишсизлик" даражасига яқинлашган. Эҳтиёжманд 302 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, йил якунигача камбағаллик даражаси 6 фоизгача камайиши кутилмоқда.

Шунингдек, шароити оғир бўлган Ховос, Мирзаобод, Оқолтин, Дўстлик, Пахтакор, Фориш, Бўстон, Вобкент, Миришкор, Мингбулоқ, Узун ва Пискентда камбағал оилаларнинг сонини 4,5 баробаргача камайтиришга эришилди.

Депутатлар томонидан камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бир қатор таклифлар берилди.

Мажлисда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

## Ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар ижроси қай даражада?

Мажлисда Соғлиқни сақлаш вазири А. Худоёровнинг "Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича қабул қилинган ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларнинг ижроси тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, соғлиқни сақлаш соҳасида тиббий профилактика, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бирламчи тиббий-санитария хизматини ривожлантириш, ихтисослаштирилган ва шошилинч тиббий ёрдам, давлат тиббий суғуртаси, рақамлаштириш ва кадрлар сиёсати йўналишларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўзида соҳага доир 3 та қонун, Президентимизнинг 3 та фармони ва 2 та қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 3 та қарори қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан 15 та туман ва шаҳарда соғлиқни сақлаш тизимининг халқаро тажрибага асосланган янги модели жорий этилди.

Давлат бюджети ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхати тасдиқланиб, орфан касалликларда дори воситалари билан таъминлаш тартиби ишлаб чиқилди. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида аҳолини профилактик кўриклардан ўтказиш кенгайтирилиб, 18 — 40 ёшли 12 млн. нафардан зиёд фуқаролар профилактикадан, 40 ёшдан катта 7 млн. нафар аҳоли юрак-қон томир касалликлари ва қандли диабет, 800 мингдан ортиғи сил касаллиги бўйича скринингдан ўтказилди.

Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида 70 мингдан ортиқ беморлар кўрикдан ўтказилиб, 17 мингдан зиёд жарроҳлик амалиётлари бажарилган. Тиббиёт муассасалари амалиётига 242 турдаги янги диагностика ва даволаш усуллари жорий этилиб, марказ филиаллари амалиётига 7 та янги диагностика ва 10 та даволаш усули татбиқ қилинди.

Вазирнинг айтишича, жорий йилда тез тиббий ёрдам хизмати томонидан 7 млн.дан зиёд чақириқлар ижроси таъминланиб, илк бор ихчам электромобиллар базасида махсус тез ёрдам бригадалари фаолияти йўлга қўйилди. 1 000 та замонавий автомашина ҳисобига тез тиббий ёрдам автопарки янгиланган.

Мажлисда депутатлар соҳада эришилаётган ютуқлар билан бирга, ҳудудларда айрим камчиликлар кузатилаётгани, сайловчилар билан мулоқотлар давомида фуқаролар томонидан мазкур масалада эътирозлар бўлаётганини қайд этди. Хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бирламчи тиббий-санитария хизматини ривожлантириш, ихтисослаштирилган ва шошилинч тиббий ёрдам, давлат тиббий суғуртаси соҳасида имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани таъкидланди.

Муҳокама давомида халқ вакиллари томонидан бу борадаги юмушларга оид бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Мажлисда Соғлиқни сақлаш вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилиниб, кун тартибидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

## Парламент сўрови юборилди

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси раиси У. Шодиевга "Сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган шаҳарларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Мамлакатимизда туризм соҳасини иқтисодиётнинг муҳим стратегик тармоғи сифатида янада ривожлантириш, туризм объектлари инфратузилмасини яхшилаш, ҳудудларда янги туризм индустрияси объектларини кўпайтириш орқали қулай саёҳат қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Соҳада олиб борилган ишлар натижасида жорий йилнинг 9 ойида юртимизга 8,6 млн.дан кўп хорижий сайёҳлар ташриф буюрди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 1,5 баробар ошгани Ўзбекистонда туризм соҳаси иқтисодий ривожланишдаги муҳим йўналишлардан бирига айланганидан далолат беради.

Шу билан бирга, сайёҳлар оқимининг жадал ортиб бориши, айниқса, туристик мавсумнинг энг тиғиз даврларида транспорт инфратузилмасига тушаётган юкламанинг ошиши туфайли айрим муаммолар юзага келмоқда.

Мажлисда юқоридагилардан келиб чиқиб, сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган шаҳарларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш, транспорт инфратузилмасини янада яхшилаш ва бу борада тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтиришлар бериш ҳақида Туризм қўмитаси раисига парламент сўрови юборилди.

**«Халқ сўзи».**

**2026 йилда пойтахтдаги Кичик ҳалқа автомобиль йўлининг Зиёлилар кўчасидан Шота Руставели кўчасигача бўлган 19 километрлик қисмида кўламли таъмирлаш ишлари амалга оширилади.**

## Ўзбекистон — Япония:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ПОЙДЕВОРИНИ МУСТАҲКАМЛАГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

1 Япониялик ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилаётган “Бир қишлоқ — битта маҳсулот” дастурининг кўламини кенгайтириш таклифи қўллаб-қувватланди.

### Япония «иқтисодий мўъжизаси»нинг асоси

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаси анъанавий равишда ушбу кўп қиррали муносабатларнинг муҳим қисми саналади. Ёшларга келгусида тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириши учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллашига кенг имкониятлар тақдим этаётган Ўзбекистон — Япония Инсон ресурсларини ривожлантириш маркази мамлакатимизда муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўзбекистондаги 7 та олий таълим муассасасида япон тили ўқитилмоқда. Токио чет тиллар университетида мана, ўн йилдирки, ўзбек тили ўрганилмоқда. Президентимиз ташрифи доирасида Япониянинг етакчи олий таълим муассасалари ректорлари билан учрашув натижасида ҳамкорлик дастурлари, илмий ва инновацион алмашинувларни кенгайтириш бўйича муҳим келишувларга эришилди. Цукуба университети билан биргаликда Тошкент шаҳрида биринчи Ўзбекистон — Япония университетини очиш режалаштирилаётгани малакали кадрларни тайёрлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Япония “иқтисодий мўъжизаси”нинг асосини ташкил этувчи таълим, фан ва инсон капиталини ривожлантиришга инвестициялар Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигининг стратегик йўналишларидан бири. Бугунги кунда 2,8 мингдан ортиқ ўзбекистонлик талабалар Япониянинг етакчи таълим муассасаларида таҳсил олмоқда. Биргина “JDS” стипендия дастури бўйича 440 дан зиёд давлат хизматчилари Японияда ўқитилди. Ректорлар форуми ўзаро алоқалар учун самарали майдонга айланди.

Маданий ва сайёҳлик алоқаларини кенгайтириш мақсадида маданият кунлари, кўргазмалар, ёшлар форумлари, кинофестивалларни мунтазам ўтказиб бориш таклиф қилинди. Ташриф арафасида Японияда Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди. Дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги муносабати билан 2027 йилда икки мамлакатда “Маданият йиллари” ўтказиладиган бўлди.

Ўзбекистон Президенти ва Япония Бош вазири томонидан имзоланган келгуси авлодлар учун кенгайтирилган стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма баёнот, шубҳасиз, муносабатларни янги босқичга кўтариш ва кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар очди. Ташриф доирасида таълим, соғлиқни сақлаш, экология, сув ресурслари, транспорт, шаҳарсозлик, туризм, қишлоқ хўжалиги, табиий офатлар хавфини камайтириш соҳаларида салмоқли келишувлар тўплами қабул қилинди.

### Ҳамкорликнинг янги архитектураси

Ташриф доирасида минтақамиз давлатлари ва Кунчиқар мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлган “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг илк саммити бўлиб ўтди. Йиғилишда ҳудудий ўзаро боғлиқликни чуқурлаштириш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, инвестициявий ва рақамли шерикликни кенгайтириш, шунингдек, инсон капитали салоҳиятини оширишга қаратилган ташаббуслар муҳокама қилинди. Бу ташаббуслар Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда янги ҳамкорлик архитектурасини шакллантиришда фаол иштирок этишга интилаётганини яққол кўрсатмоқда.

Саммит якунида қабул қилинган Токио декларацияси эса ушбу ёндашувни кўп томонлама мустаҳкамлаб, келгуси ҳамкорлик учун “Йўл харитаси”ни белгилаб берди. Бу ҳужжат минтақавий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда Япониянинг муҳим ролини ҳам тасдиқлайди.

Айни мураккаб шароитда Япония минтақамиз билан боғлиқ мавқеини технология, таълим, иқтисодий ҳамкорлик ва “юмшоқ куч” воситалари орқали мустаҳкамлашга интилмоқда. Сўнгги йилларда Марказий Осиё республикалари билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни фаол ривожлантираётган давлатлардан бири бўлиб қолмоқда. Бу жараён айниқса, “Ипак йўли дипломатияси” доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларда яққол кузатилаётир. Масалан, Япония ва Марказий Осиё давлат раҳбарлари учрашувида барқарор ривожланиш, “яшил” технологиялар ва минтақавий таъсирни диверсификациялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Умуман, Япония “яшил” энергияга ўтиш ва “ақлли” шаҳарларни шакллантиришни қўллаб-қувватлаш орқали минтақанинг барқарор ривожланишини таъминлашга интилаётган фаол ҳамкор ҳисобланади.



> ***Кези келганда айтиш жоизки, Япония билан стратегик ҳамкорлик Ўзбекистон учун бир қатор афзалликларни беради. Хусусан, Япониянинг юқори технологияларини мамлакатимиз иқтисодиётига жорий этиш, янги инвестицияларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш, транспорт, энергетика ва бошқа муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда Япония тажрибаси ва сармоясидан фойдаланиш, Кунчиқар мамлакатнинг таълим ва кадрлар тайёрлашдаги илғор тажрибаларини ўзлаштиришга кўмаклашади.***

Минтақа интеграциясига эришиш йўлидаги ҳамкорлигимиз Япония томонидан қўллаб-қувватланиши ва ижобий қабул қилиниши табиий. Зеро, “С5+1” мулоқот форматини шакллантириш йўлидаги илк қадамни айнан Токио ташлаган. Кейинги йилларда қатор кучли давлатлар, нуфузли халқаро тузилмалар 2004 йил йўлга қўйилган “Марказий Осиё + Япония” мулоқотидан ўрнак олди. Кунчиқар юрт Марказий Осиёда манфаатлар муштараклиги сари қўйилаётган қадамлар минтақавий интеграция суръатини тезлаштириб, алоқаларни янада чуқурлаштиришига ишонади.

Ўзбекистон Осиё — Тинч океани минтақаси билан Европа ўртасидаги муҳим кўприк вазифасини бажара олади. Транспорт, логистика ва рақамли инфратизимни ривожлантириш лойиҳалари мамлакатларимиз учун стратегик аҳамият касб этади. Шунингдек, Япониянинг технологик устунлиги, юқори сифатли маҳсулотлари ва тараққиётга нисбатан инновацион ёндашуви ҳам Марказий Осиё учун ўта муҳим. Бу давлат ўз имкониятини рақобатчи эмас, балки тўлдирувчи тамойили асосида тақдим этмоқда. Мамлакатимизнинг минтақада ўзаро ишонч, яқин қўшничилик ва мукаммал ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлаяпти. Демак, Ўзбекистонни нафақат иқтисодий, балки геосиёсий жиҳатдан ҳам муҳим ҳамкор сифатида кўради. Минтақавий хавфсизлик, трансчегаравий муаммо ва иқтисодий интеграция масаласида ҳам манфаатларимиз уйғун.

### Кўп векторли ташқи сиёсатнинг ёрқин намунаси

Марказий Осиё экологик муаммолар, сув ресурслари ва иқлим ўзгариши таъсирига дуч келаётган минтақа сифатида кам углеродли ва ресурс тежовчи технологияларга эҳтиёж сезмоқда. Япониянинг ушбу соҳадаги инновациялари модернизацияни экологик хавфсиз йўналишга буриш имконини беради ва иқтисодий ўсиш билан экологик барқарорлик ўртасида мувозанатни таъминлашга хизмат қилади.

Расмий ривожланиш ёрдами, имтиёзли кредитлар ва техник кўмак орқали амалга оширилаётган ҳамкорлик лойиҳалари қисқа муддатли натижалардан кўра, маҳаллий кадрлар тайёрлаш, миллий институтларни мустаҳкамлаш ва ўз-ўзини таъминлай оладиган тизимлар яратишга қаратилган. Бу эса иқлим ўзгаришига қарши курашда ташқи ёрдамга доимий қарамликни эмас, балки ички салоҳиятга таянишни рағбатлантиради. Шу тариқа, Япония иқлим ўзгариши ва сув-энергетика масалаларида ўзини фақат инвестор ёки технология етказиб берувчи эмас, балки билимга асосланган, барқарор ва узоқ муддатли ривожланишни кўзлаган стратегик шерик сифатида намоён қилмоқда.

Кези келганда айтиш жоизки, Япония билан стратегик ҳамкорлик Ўзбекистон учун бир қатор афзалликларни беради. Хусусан, Япониянинг юқори технологияларини мамлакатимиз иқтисодиётига жорий этиш, янги инвестицияларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш, транспорт, энергетика ва бошқа муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда Япония тажрибаси ва сармоясидан фойдаланиш, Кунчиқар мамлакатнинг таълим ва кадрлар тайёрлашдаги илғор тажрибаларини ўзлаштиришга кўмаклашади.

Япония билан муносабатларни стратегик даражага кўтариш нафақат иқтисодий ўсишни таъминлаш, балки мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш имконини беради.

Умуман, бу ташриф Ўзбекистоннинг очиқлик, прагматизм ва кўп векторли ташқи сиёсатининг ёрқин намунаси бўлиб, мамлакатнинг барқарор тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлидаги қатъиятини яна бир бор кўрсатди. Япония билан мустаҳкамланган шериклик нафақат икки давлат учун, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг келажакдаги тараққиёти учун ҳам янги имкониятлар эшигини очади.

Президентимиз ўз нутқида Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини белгилаб берди. Энергетика, инфратузилма, транспорт, саноат ва бошқа стратегик соҳаларда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш таклиф этилди. Бу ташаббуслар шерикликни янада кенгайтиришга хизмат қилиши муқаррар. Зеро, ушбу Кунчиқар ўлканинг йирик технологик корхоналари, молиявий корпорациялари бугун Марказий Осиёга катта қизиқиш билдирмоқда. Бундан ташқари, улар инсон капиталига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Сабаби, Япония аҳолиси таркибида ёшлар улуши атиги 11,2 фоиз. Марказий Осиё давлатларида эса бу кўрсаткич анча юқори. Масалан, Ўзбекистонда ёшлар аҳолининг 50 фоиздан зиёдини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, имзоланган меморандум ва келишувлар инвесторлар учун муҳим кафолат вазифасини ўтайди. Чунки инвестицияларни ҳимоя қилиш бизнес учун асосий омил ҳисобланади. Давлат раҳбарлари иштирокида бундай ҳужжатларнинг имзоланиши эса Япония ҳамда Марказий Осиё бизнес доиралари учун кучли рағбат бўлади.

Японияга амалга оширилган расмий ташриф натижалари Ўзбекистоннинг дунёдаги етакчи технология ва инвестиция марказларидан бири бўлган мамлакат билан тўлақонли стратегик шерикликка босқичма-босқич ўтиб бораётганини тасдиқлади. Бу эса мамлакатимизнинг илғор технологияларни жалб этиш, йирик инфратузилмавий ва саноат лойиҳаларини амалга ошириш, минтақавий ва глобал иқтисодий жараёнларда ўз мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган стратегик сиёсатининг узвий давомидир.

**Нодир ЖУМАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

Танлов

# МЕҲНАТСЕВАРЛИК, ФИДОЙИЛИК, ЭЛ-ЮРТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ЭЪТИРОФИ

*Пойтахтимизда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан “Йил аёли” миллий танлови ҳамда “Энг намунали хотин-қизлар фаоли” танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, жойлардаги оила ва хотин-қизлар қўмиталарининг мутасаддилари, етакчи аёллар қатнашди.*



Анжуманда сўз олганлар Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий ҳаётида хотин-қизларнинг иштироки тобора кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Дастлаб “Энг намунали хотин-қизлар фаоли” танлови ғолиблари тақдирланди. Ўз фаолияти билан маҳаллада ижобий муҳит яратиш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда Янги Ўзбекистон ислоҳотларини қуйи бўғинда самарали амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган 14 нафар хотин-қиз “Энг намунали хотин-қизлар фаоли” деб эътироф этилди.

Жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган, ҳар жиҳатдан ибратли хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка яқиндан таништириш ҳамда илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида “Йил аёли” миллий танлови ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилда танловнинг туман, шаҳар босқичларида 3 минг 14 нафар аёл иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида 208 та туман (шаҳар)дан жами 964 нафар аёл қатнашиб, улардан 150 нафари республика босқичида ўз салоҳиятларини намоён этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан сўнгги босқичда биринчи ўринга Тошкент ахборот технологиялари университети профессори Дилдора Муҳамедова, иккинчи ўринга Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманидаги “Артатех” МЧЖ таъсисчиси Наргиза Бекмуратова, учинчи ўринга Сурхондарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи Умида Бегматова лойиқ кўрилди. Танловнинг Гран-приси — Олий ўрин Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳридаги “Анваржон бизнес инвест” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Гулмира Жумаевага насиб этди. Унга Президент соврини — автомобиль топширилди.

Гулмира Жумаева узоқ йиллар давомида хорижда меҳнат миграциясида бўлиб, чиқиндиларни қайта ишлаш корхонасида фаолият юритган. 2016 йилда Ватанга қайтиб, орттирган тажрибасини юртимиз манфаатларига йўналтирди ҳамда атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, аҳолидан чиқадиган маиший чиқиндиларни қайта ишлашга қаратилган самарали фаолиятни йўлга қўйди.

— Давлатимиз томонидан тадбиркорлик учун яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, 5 та масъулияти чекланган жамиятни ташкил этдим, — дейди у. — Уларда 450 га яқин ёшлар ва хотин-қизлар доимий иш ўринларига эга бўлди. Ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш мақсадида Хитойдан 100 минг АҚШ доллари миқдорида замонавий асбоб-ускуналар олиб келганимиз ҳисобига сўнгги 5 йилда корхоналаримизда 178 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. “Йил аёли” танлови — меҳнатсеварлик, фидойилик, эл-юрт тақдирига дахлдорлик эътирофи. Ушбу мукофот билан тақдирланганим менга янада баланд руҳ беради, ғайрат-шижоатимни оширади. Мамлакатимиз тараққиёти учун ҳормай-толмай изланаверамиз.

Ёш ижрочилар ва таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури йиғилганларга байрамона кайфият бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайҳо Маҳкамова иштирок этди.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЯНГИ НАМАНГАН

## ЗАМОНАВИЙ ВА КЎРКАМ ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА

1 Давлатимиз раҳбари ўз сиёсатини халқ билан очиқ мулоқот асосида олиб бораётганидан хабардор бўлсак-да, бундай воқеалар кишини ҳаяжонлантирмасдан қўймайди. Чунки юзма-юз учрашувлар Президентимизнинг халқпарварлигидан далолат берибгина қолмай, балки аҳолини қийнаётган кўплаб муаммоларга ечим топилишига ҳам замин яратишига кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Акмалжон Холматовнинг айтишича, давлатимиз раҳбари ташрифидан кейин, эндиликда “Янги Наманган” деб номланаётган маҳалла ҳаётида катта ўзгаришлар бошланди.

Орадан икки кун ўтиб вилоят ҳокими маҳаллада кенгайтирилган йиғилиш ўтказди. Ўзаро маслаҳатлашиб олингач вилоят ҳокимининг Янги Наманган маҳалласи қиёфасини тубдан ўзгартириш бўйича тегишли фармойиши қабул қилиниб, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Мана уч ойдирки, маҳалла катта қурилиш майдонига айланган. Ҳар бир кўчада таъмирлаш, янгиланиш жараёнлари давом этяпти. Юзлаб ишчилар маънан эскирган бир неча бинолар ўрнида янгисини барпо қилиш билан машғул. Давлат-хусусий шериклик асосида тикланаётган бу кўп қаватли бинонинг биринчи қаватида болалар ўйингоҳи, иккинчисида савдо, учинчисида хизмат кўрсатиш шохобчалари, тўртинчи қаватда эса ўқув марказлари очилади. Шунингдек, унда фитнес клуб, кинотеатр, саломатлик маркази, ҳуқуқ-тартибот маскани, маиший, савдо ва сервис хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилади.

Бундан ташқари, яна бир кўп қаватли бино қурилиб, биринчи қаватига маҳалла фуқаролар йиғини идораси жойлаштирилади. Оилавий шифокор пункти, хусусий мактаб ҳамда ёшлар учун стадион қад ростлайди. Маҳалладаги эски болалар боғчаси ўрнида ҳам 330 ўринли замонавий мактабгача таълим ташкилоти қурилиши режалаштирилган.

Шу маҳаллада яшовчи тадбиркор Нозимжон Режапов маҳалла гузарида умумий қиймати 6 млрд. сўмлик замонавий тўйхона қуряпти. Ҳозиргача 4 млрд. сўмлик иш бажарилган. Маҳалла раиси бир неча ой аввал у билан суҳбатлашиб, лотокларни янгилаш ҳақида гапирганди. Бу иш ҳам ижобий ечимини топадиган бўлди. Бундан ташқари, Наманган — Ҳаққулобод автомагистраль йўлининг Қўрғонча маҳалласидан то Ҳаққулобод шаҳригача бўлган 13 км. йўл бўйида саломатлик йўлакчаси ташкил этилади. Юксалиш кўчасидан ўтган ариқнинг 0,9 км. узунлигида бетонлаш ҳамда 1,1 км. масофасида тупроқ ишлари бажарилмоқда.



Қисқа фурсатда якунига етказилган ишлар ҳам талайгина. Маҳалла раисининг айтишича, илгари икки марта “Ташаббусли бюджет” орқали 3 км.дан жами 6 км. ички йўллар асфальтланган бўлса, ўтган бир ой давомида қолган 10,7 км. ички йўллар ҳам юз фоиз асфальтланди. Маҳаллада тадбиркорлар учун “Банк хизматлари офиси” очилди.

“Ичимлик суви таъминоти” корхонаси сув иншоотларини реконструкция қилиш, қарийб 14,1 км. тармоқ тортиш лойиҳасини ишлаб чиққан. Унга кўра қудуқ қазиш ва сув минораси учун ерлар ажратилди. Сув таъминоти тармоқлари ишчи ҳолатига келтирилди. Қишки мавсумда уй бекалари учун енгиллик яратиш мақсадида Баҳробод, Истиқлол, Мустақиллик ва Қўшчинор кўчаларидаги 441 хонадонга суюлтирилган газга мослаштирилган хавфсиз мосламалар ўрнатилди. Бу борадаги ишлар давом эттирилади.

### Обод юрт обод хонадондан бошланади

Албатта, амалга оширилаётган ишларнинг ҳаммасини бир мақолада батафсил санаб ўтиш имконсиз. Бироқ айтиш мумкинки, улар норинликлар жонига оро киргани айни ҳақиқат.



Ва яна айтмоқчи бўлганимиз — Янги Наманган маҳалласидаги 8 та кўчага вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ИИБ бошлиғи ҳамда туман ҳокими масъул этиб бириктирилган. Ташкилотлар куч ва имконияти бирлаштирилмоқда. Кўчаларда асфальтлаш, ариқларни бетонлаш, сўриток қилиш ҳамда уйларнинг олд қисмини жорий таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Кам таъминланган 35 та оила уйларини ҳомийлик ёрдами асосида таъмирлаб бериш чоралари кўрилмоқда.

Маҳаллада 1248 та уй хўжалиги бўлиб, аҳоли сони 5 минг 286 нафарни ташкил этади. Хонадон эгаларида қарийб 33800 сотих томорқа мавжуд. Улардан унумли фойдаланиш эвазига қўшимча даромад олиш ҳам лойиҳаларда кўзда тутилган. Меҳнат миграциясидан қайтган беш нафар аёл билан суҳбат ўтказилиб, икки нафари ишга жойлаштирилди. 14 нафар хотин-қизга тикув машинаси берилиши натижасида улар ўз-ўзини даромадли иш билан банд этди. Ишсиз аёллардан уч нафари тикувчиликка ихтисослаштирилган “МиРСИТи” МЧЖга ишга жойлаштирилди.

### Бунёдкорлик ва ҳамжиҳатлик майдони

Асосийси, маҳаллада бошланган кенг кўламли ободонлаштириш ва қурилиш ишлари ёшу қарини ҳамжиҳатликка ундади. Бунёдкорлик бошланган илк кунданоқ нуронийлар ўз фикрларини билдириб, миллий қадриятларимизни унутмаслик, меҳнат муҳитида ҳам ўзбекона анъаналарни сақлаш ҳақида қайғуришди. Гузарга йиғилган отахонлардан бири “Ҳар куни юзлаб одам ишламоқда. Меҳмонлар ҳам кўп бўлади. Шундай экан, меҳнатга келган одамга нон-чой, ош тайёр бўлсин. Ўзбекчилигимизни унутмайлик!” деди. Отахоннинг фикрини ҳамма қўллаб-қувватлади. Маҳалла нуронийси, 73 ёшли Одилжон Исманов бу ташаббуснинг бошида турди.

— Албатта, шундай қилишимиз керак. Бу — фақат меҳмонга ҳурмат эмас, бу ўзимизга, юртимизга ҳурмат, — дейди у.

Биринчи ошни маҳалла нуронийлари дамлашди. Кейин эса чиройли анъана шаклланди: ҳар куни маълум бир йилда туғилган фуқаролар гуруҳи навбат билан ош қилиб бермоқда. Ҳар бир кун — янги дастурхон, янги табассум, янги руҳият!

Кўчада дошқозонда дамланган ош, ёнимизда қадрли нуронийлар, меҳнат билан шуғулланаётган ёшлар — буларнинг барчаси маҳалланинг ҳақиқий юраги ураётганидан далолатдир.

Эътиборли жиҳати, маҳаллада ҳеч ким четда тургани йўқ. Ҳар кимнинг ўз ҳиссаси бор — кимдир бел боғлаб ишламоқда, кимдир меҳнаткашларга чой узатмоқда, кимдир ошпазга ёрдамлашмоқда.

Бунёдкорлик фақат бетон ва ғишт билан эмас, меҳр-оқибат ва бирдамлик билан юз бераётгани инсонни қувонтиради. Одамлар “Президент келган маҳаллада яшаяпмиз!” деган ифтихор билан меҳнат қилишаётир. Бундай муҳитда ҳар бир фуқаро ўзини нафақат кузатувчи, балки ўзгаришларнинг бевосита иштирокчиси деб ҳис этмоқда.

Айнан шу дахлдорлик ҳисси, умумий масъулият туйғуси ва миллий қадриятларга муҳаббат туфайли бугунги бунёдкорлик ишлари нафақат маҳалланинг қиёфаси, балки одамларнинг тафаккури, бир-бирига бўлган муносабатини ҳам янгиламоқда.

**Улуғбек РЎЗИМАТОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Носиржон ҲАСАНОВ олган суратлар.

**Солиқ қўмитаси хабарига кўра, солиқ тўловчилар учун «ЭҲФ хавф даражасини баҳолаш» ахборот тизими тест режимида ишга туширилди.**

# КАСАЛЛИКНИ ДАВОЛАГАНДАН УНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

*Мамлакатимизда барча соҳада ортга қайтмасислоҳотлар амалга оширилаётган бир даврда соғлиқни сақлаш тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, касалликлар профилактикаси ишларини кучайтириш, аҳолининг соғлом турмуш тарзига қатъий риоя этишини таъминлаш алоҳида диққат марказида. Зеро, халқимиз бежиз айтмаган: “Касалликни даволагандан унинг олдини олган афзал”.*

**Сарҳисоб**



## Муҳими, тиббий профилактика

Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 12 ноябрда қабул қилинган “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорда аҳолида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш, касалликларни эрта аниқлаш ва даволашнинг илғор тажрибасини жорий этишга алоҳида аҳамият қаратилди.

Қулай атроф-муҳитни яратиш (экологик ҳолат, инсонларнинг меҳнат, яшаш ва дам олиш шароитларини яхшилаш), аҳоли саломатлигига салбий таъсир этувчи маҳсулотларни истеъмолдан чиқариш, эмлаш, мақсадли скрининг ва тиббий кўрикларни ўтказиш, тиббий маданиятни ошириш, адаптив етишмовчиликлар сабаб юзага чиқадиган касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш, тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш тиббий профилактиканинг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

— Айнан касалликларни даволаш эмас, унинг олдини олишга жиддий урғу берилаётгани бежиз эмас, — дейди Тошкент шаҳридаги 67-оилавий поликлиника шифокори Лобар Элмуродова. — Жамиятимизда бутун дунёда бўлгани каби нотўғри овқатланиш, зарарли одатлар, камҳаракатлилик натижасида юрак-қон томир, асаб тизими, қандли диабет каби оғир касалликлар кўпайиб боряпти. Бир аччиқ ҳақиқатни тан олиш керак: ортиқча вазнга эга аҳоли сони ёшлар ўртасида ҳам йилдан-йилга ошмоқда. 50 фоизга яқин аҳолининг қон таркибида холестерин меъёридан ортиқ, кўпчилик қон босими юқорилигидан нолийди. Гарчанд юртимиз мева-сабзавот маҳсулотлари кони бўлса-да, аҳолининг кундалик овқат рационида уларнинг истеъмол даражаси кам. Ана шулар туфайли йиллик ўлим ҳолатларининг ўсиши кузатилаётгани ҳам жуда ачинарли. Шу боис касалликларни эрта аниқлаш ва унинг олдини олиш ҳозирги замон тиббиётининг устувор вазифаси ҳисобланади.

Бу борада тиббий-профилактика, патронаж ёрдамини янада яхшилаш, тез ва шошилинч ҳамда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини ошириш, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминлаш, хусусий тиббиётни ривожлантириш борасида ҳам муҳим лойиҳалар амалиётга киритилмоқда.

## Илғор технологиялар имкониятлари

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда тиббиёт соҳасига 230 трлн. сўм йўналтирилиши натижасида бирламчи тиббиёт муассасалари қуввати 60 фоизга ошди. Жойларда 187 та янги поликлиника ва шифохона ишга тушди, 1 244 таси реконструкция қилиниб, жиҳозланди. Илгари, асосан, пойтахтда бажарилган юқори технологик ва диагностика-даволаш усулларининг 400 дан ортиғи ҳудудларда амалга оширилмоқда. Юзлаб мураккаб амалиётлар вилоят марказларига, кам инвазив операциялар туман даражасига туширилди. Биринчи марта 45 та туманда буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Тиббиётдаги бу ўзгаришларни миллионлаб ўзбекистонлик ўз ҳаётида ҳис этмоқда, халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Тиббиёт соҳасидаги илғор технологиялар таълим жараёнларига ҳам кенг татбиқ қилинмоқда. Хусусан, учта олий таълим муассасаси негизида Тошкент давлат тиббиёт университети ташкил этилди. Урганч давлат тиббиёт институти фаолияти йўлга қўйилди. Саккизта тиббиёт олий таълим муассасаси халқаро аккредитациядан ўтди. Бу соҳада замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар тайёрлаш имкониятлари янада кенгайди. Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, замонавий ахборот-коммуникация жиҳозлари билан таъминлаш, соҳага сунъий интеллектни жорий қилиш, ягона рақамли инфратузилмани шакллантириш ишлари давом этмоқда.

Натижада “DMED” ягона электрон ахборот тизими орқали 36 млн. нафардан зиёд фуқароларнинг тиббий маълумотлари ягона базада жамланди. Тез тиббий ёрдам хизматида электрон бошқарув йўлга қўйилиб, чақириқларга етиб бориш вақти 25 — 30 дақиқадан 10 — 15 дақиқагача қисқартирилди. Яқин келажакда “Online-shifokor” хизмати жорий этилиб, аҳолига масофадан тиббий маслаҳат бериш имкони яратилади. Барча тиббий маълумотлар биометрик ҳимояга олиниб, шахсий маълумотлар хавфсизлиги таъминланди. “Рақамли соғлиқни сақлаш маркази”да барча тиббиёт муассасаларининг фаолияти реал вақт режимида кузатилиб, сурункали касалликлар ва аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари таҳлил қилинмоқда.

> ***Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда тиббиёт соҳасига 230 трлн. сўм йўналтирилиши натижасида бирламчи тиббиёт муассасалари қуввати 60 фоизга ошди. Жойларда 187 та янги поликлиника ва шифохона ишга тушди, 1 244 таси реконструкция қилиниб, жиҳозланди. Илгари, асосан, пойтахтда бажарилган юқори технологик ва диагностика-даволаш усулларининг 400 дан ортиғи ҳудудларда амалга оширилмоқда.***

## «Бир миллион «яшил» оила»

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Инсон шаъни ва қадр-қиммати йўлида”ги асосий тамойил халқ фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиётни трансформация қилиш, тадбиркорликни ривожлантиришни жадаллаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришни кўзда тутади.

Президентимиз томонидан 2025 йил 30 январда қабул қилинган фармон асосида тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни тарғиб этиш кучайтирилди, аҳолининг саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Касалликларни эрта аниқлаш ва профилактика ишларини самарали ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда “Экофаол фуқаро” ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган “Бир миллион “яшил” оила” умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилди. Бу борада оилавий поликлиникалар, оилавий шифокор пунктлари ва маҳалла тиббиёт пунктларида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишнинг самарали тизими жорий этилди, марказлашган лабораториялар ташкил қилиш, шифокор қабулига навбатни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, давлат томонидан санитария-гигиена нормаларига риоя этилиши устидан назорат кучайтирилди. Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, уларнинг меҳнат самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, шунга яраша ойлик маошларга қўшимча устама жорий қилинди.

## Билим ва малака — асосий мезон

Тиббий хизматлар кўлами ва сифатини ошириш, соҳа ходимларини муносиб қўллаб-қувватлаш Янги Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўтган 8 йил мобайнида бу борада кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди, тиббиёт муассасаларидан тортиб, кадрлар фаолиятигача бўлган жараён янгиланди. Касалликларни эрта аниқлаш ва профилактика қилиш жараёнида тиббий хатлов ўтказилиб, аниқланган беморлар соғломлаштирилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда энг кўп тарқалган ва ўлимга сабаб бўлаётган 9 та касалликнинг олдини олиш ва уларни эрта аниқлаш мақсадида халқаро даражада қўлланиладиган протоколлар ва амалиётлар асосида тиббиётнинг бирламчи бўғини ходимларини ўқитиш тизими жорий этилди. Давлат тиббий суғуртаси мавжуд ҳудудларда касалликларни амбулатор даволаш учун шифокор томонидан расмийлаштирилган электрон рецепт асосида дорихоналар томонидан дори воситаларини беморларга бепул бериш тизими (реимбурсация) йўлга қўйилди.

Тез тиббий ёрдам шохобчалари кўпайтирилди. Ўз навбатида, тез тиббий ёрдам бригадаларининг замонавий реанимация машиналари сони оширилди. Бу орқали тез ёрдамнинг етиб бориш вақти сезиларли даражада қисқаришига эришилди. “Электрон поликлиника” ва “Электрон шифохона” ахборот тизимлари такомиллаштирилиб, “Ягона тиббиёт ахборот тизими” (DMED) жорий этилди. Мазкур тизим Тошкент шаҳри, Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидаги бирламчи бўғин муассасаларида тўлиқ ишга туширилди.

## Халқаро алоқалар самаралари

Жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкент тиббиёт университетида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, соҳага масъул қатор илмий муассасалар ҳамда “ЖССТ”, “CDC”, “GIZ”, “KOICA” каби нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро илмий-амалий анжуман юқумли касалликлар ташхиси, унинг профилактикаси ва даволаш масалаларига бағишланганини ҳам бежиз эмас. Анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари билан бирга АҚШ, Германия, Россия, Озарбайжон ва Жанубий Кореядан келган илмий ва амалиётчи мутахассислар қатнашиб, соҳага доир муҳим масалалар, касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш бўйича ўз тажрибалари ҳамда илмий янгиликларини тақдим қилди.

— Ушбу халқаро илмий ҳамкорлик юқумли касалликларга қарши курашда катта аҳамиятга эга, — дейди Вирусология илмий-тадқиқот институти директори, академик Эркин Мусабоев. — Инфекцияларга қарши курашда тизимли таҳлил, эрта аниқлаш ва профилактика ишларини кучайтириш бугунги кун талаби. Бундай таҳдидларга қарши курашда халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиш аҳоли саломатлиги муҳофазаси самарали ечимлар топишга хизмат қилади.

Бугун мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олишга, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятли. Бу борада барқарор натижаларга эришиш учун молиялаштириш, кадрларни тайёрлаш ва инфратузилмани модернизация қилиш бўйича тизимли ишлар давом эттирилмоқда. Яқин келажакда соҳага телетиббиёт интеграцияси сингари янги технологияларни жалб этиш ва профилактика дастурлари орқали аҳоли саломатлигини оширишга эътибор янада кучайтирилади, барқарор ва самарали соғлиқни сақлаш тизими жорий этилади.

**Нуруллоҳ ОСТОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**



## ОФК ТАСНИФИДА НАВБАТДАГИ ТУРНИР

*Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) миллий терма жамоалар футболини янада ривожлантириш мақсадида “AFC Nations League” (ОФК Миллатлар лигаси) мусобақасини жорий этиш режасини маълум қилди.*

Миллий олимпия қўмитаси хабарига кўра, ушбу янги турнир Осиё мамлакатлари учун халқаро учрашувлар тизимини янада тартибли ҳамда барқарор қилишга қаратилган.

Мусобақанинг формати, амалга ошириш босқичлари, шунингдек, аниқ муддатлари ОФК қўмиталарининг муҳокамаларидан сўнг расман эълон қилинади.

## ЖАМОАМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИГА ҚАРШИ ЎЙНАЙДИ

*Ўзбекистон футбол ассоциациясидан маълум қилишларича, футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионати олдидан Канада терма жамоасига қарши ўртоқлик ўйини ўтказади.*



Унга кўра, ушбу ўйин 2026 йил 1 июнь куни Канаданинг Эдмонтон шаҳрида бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Маълумот учун, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг мундиалдаги биринчи ўйини 2026 йилнинг 18 июнь куни Мексикада бўлиб ўтади. Мазкур ўйинда Фабио Каннаваро бошчилигидаги жамоага Колумбия терма жамоаси рақиблик қилади.

## ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ЧАККИ ЭМАС

*19 — 27 декабрь кунлари Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида оғир атлетика бўйича “10th Qatar weightlifting cup” мусобақаси бўлиб ўтмоқда.*




Мазкур нуфузли турнирда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам фаол қатнашиб, дастлабки натижаларни қайд этди. Жумладан, 22 декабрь ҳолатига кўра, ҳамюртларимиз олтита медаль жамғаришга эришди. Жумладан, Муниса Одилова 48 килограммгача вазн тоифасида 3 та кумуш медалга эга чиққан бўлса, Адҳамжон Эргашев 65 килограммгача вазнда 3 та бронза медали билан тақдирланди.

Мусобақа давом этмоқда.

## ЧАВАНДОЗЛАРИМИЗДАН УЧТА МЕДАЛЬ

*БААнинг Шаржа шаҳрида от спортининг конкур йўналиши бўйича халқаро мусобақа ўтказилди. Ушбу беллашувда қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 2 та олтин ва 1 та бронза медалларига эга чиқди.*




Олтин медалларга Абдураҳмон Абдуллаев баландлиги 140 ва 145 см. бўлган тўсиқлардан сакраш дастурида эришган бўлса, Баҳромжон Ғозиев 125 см. баландликдаги тўсиқлардан сакраш йўналишида кучли учликдан жой олди.

**«Халқ сўзи».**

# ИЛЛАТГА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ КУРАШАМИЗ!

*Коррупция қонун бузилишидан бошланмайди — у инсоннинг виждони бузилган онда пайдо бўлади. Шунинг учун ҳалоллик ва адолатни жамиятнинг асосий мезонига айлантириш коррупцияга қарши курашда энг кучли, энг таъсирли ҳамда энг барқарор механизмлардан бири ҳисобланади. Бу фақат шиор эмас, балки амалий ҳаётда исботланган ҳақиқатдир. Шу боис ҳалоллик ва адолатни жамиятда устувор қадриятга айлантириш коррупцияни чеклашнинг энг туб, энг бардавом ва энг инсонпарвар йўлидир.*



**Фикр**

Коррупциянинг оғир оқибатларини кўриш учун жаҳоннинг исталган минтақасига назар ташлаш кифоя. “Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилоти ҳар йили ҳавола этадиган “Коррупцияни қабул қилиш индекси”да 180 мамлакатдан 122 таси 50 баллдан паст натижага эга. Бу дунё мамлакатларининг 70 фоиздан кўпида коррупция хавфли даражада дегани. Коррупция оқибатида иқтисодий ўсиш секинлашади, давлат ресурслари нотўғри тақсимланади, аҳолининг давлатга ишончи пасаяди.

БМТ баҳосига кўра, жаҳонда ҳар йили коррупция туфайли йўқотиладиган маблағлар 3 трлн. доллардан ошиб кетади. Бу бутун иқтисодиётларни ларзага соладиган кўрсаткичдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш юзасидан бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланди. Мазкур иллатнинг олдини олиш бўйича давлатимиз қатъий сиёсат олиб бормоқда. Хусусан, шу йил 21 апрелда Президентимизнинг “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва бу билан мазкур йўналишдаги ислоҳотлар янги босқичга олиб чиқилди.

Қарорга мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларида коррупцияга қарши ички назорат бўлинмаларини ташкил этишнинг янгиланган мезонлари, ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш, фаолиятини баҳолаш, рағбатлантириш ҳамда фаолиятларининг асосий йўналишлари тасдиқланди.

Юқорида қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига мувофиқ “Ўзкимёсаноат” АЖ ҳамда унинг тармоқ корхоналари ҳисобланган “Максам-Чирчиқ” АЖ, “Аммофос-Максам” АЖ, “Ўзкимёсаноатлойиҳа” АЖ ва “Ўзкимёимпекс” МЧЖда коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс тузилмалари томонидан йил давомида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, “Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг таркибий корхоналарига ишга қабул қилинган 260 нафар ходим манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида текширилди. Бундан ташқари, 97 нафар раҳбар, ходим ва коррупцияга қарши ички тузилма ходимларининг малакаси оширилди. Жумладан, 67 нафар раҳбар ходим “Хавфларни бошқариш” халқаро стандарти бўйича, коррупцияга қарши ички тузилма мазкур йўналишда ишловчи бошқа бўлинмаларнинг жами 30 нафар ходими “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимининг самарали ишлашини таъминлаш” мавзуида чуқурлаштирилган ўқув курсида малакасини оширди.

Корхоналарда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари томонидан 20 га яқин семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар “E-anticor.uz” электрон платформасига 5 та йўналиш ва 29 та махсус индикатор бўйича юкланди.

“Максам-Чирчиқ” АЖ ҳамда “Ўзкимёимпекс” МЧЖ халқаро “CERT International” академияси томонидан ўтказилган аудитдан муваффақиятли ўтиб, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги нуфузли ISO 37001:2016 халқаро сертификатига қайта муносиб деб топилди. Давлат харидлари доирасида ҳисобот даврида 2500 дан ортиқ хўжалик шартномалари тузилиб, барчасига коррупцияга қарши курашиш талаблари киритилди.

Ўтган даврда “Ўзкимёсаноат” АЖ ва тармоқ корхоналарининг ишонч алоқа каналлари орқали жисмоний ва юридик шахслардан юзлаб мурожаатлар келиб тушди. Шундан 12 таси коррупцияга оид бўлиб, барчаси бўйича хизмат текширувлари ўтказилди. Унинг натижаларига кўра 10 нафар ходимга нисбатан интизомий чоралар кўрилди.

Умуман, тизимда иллатга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳалоллик, адолат, очиқлик ва масъулият тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**«Ўзкимёсаноат» АЖнинг Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

**Ўзбек тилида илк бор «3D» форматдаги «Сеҳрландия — қаҳрамонлик миссияси» тўлиқ метражли анимацион мультфильм премьераси бўлиб ўтди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ғ. Баҳромов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.35 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6